

آداب السفر وأحكامه (للجمعية)

САФАР ОДОБИ ВА
АҲКОМЛАРИ

Сафар одоби ва аҳкомлари

Оламларнинг Рабби Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин! Пайғамбарларнинг энг охиргиси Муҳаммадга, У зотнинг аҳли-оилаларию асҳобларининг барчасига Аллоҳнинг салавати ва саломи бўлсин!

Аммо баъд:

Бу китоб - сафар одоблари ва аҳкомлари ҳақида мухтасар рисола. Бу рисолада мусофир кўпинча муҳтож бўладиган нарсаларни баёнладик.

Аллоҳ таолодан бу ишимизни холис Ўзининг юзи учун қилишини ва барча мусулмонларга бу китоб орқали манфаат беришини сўраймиз.

Ҳар хил тиллардаги исломий мазмунга эга хизматлар бўйича илмий қўмита.

Биринчи: Сафар одоблари

Ҳаж ёки шу каби жойларга сафар қилганда қуйидаги одобларга эътибор бериши керак:

1. Вақт, улов, шерик, қайси йўлдан юриш бўйича истихора (яхшилигини сўраш) ўқийди. Тажрибали ва солиҳ кишилар билан маслаҳатлашади. Ҳаж ва умра эса яхши эканида

шак-шубҳа йўқ. Истихоранинг кўриниши: икки ракат намоз ўқигандан сўнг Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ворид бўлган дуони ўқийди.

2. Ҳаж ва умра қилувчи киши ўз ибодатини фақатгина Аллоҳ таоло учун, Унга яқинлашиш мақсадида адо этиши лозим. У дунёвий манфаатларни кўзлаш, фахрланиш, унвон олиш, риё ва обрў қилиш мақсадидан сақланиши керак. Чунки бундай ният амални ботил қилади ва қабул бўлмаслигига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ إِلَٰهٌ وَحْدٌ فَمَن كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا﴾

«Сиз: «Мен ҳам сизларга ўхшаган башарман. Менга, шубҳасиз, илоҳингиз битта илоҳ экани ваҳий қилинди. Бас, ким Раббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Рабби ибодатига бирортани шерик қилмасин!», денг!». [Каҳф: 110] Ҳадиси қудсийда:

«أَنَا أَعْتَى الشُّرَكَاءِ عَنِ الشِّرْكِ، مَنْ عَمِلَ عَمَلًا أَشْرَكَ فِيهِ مَعِيَ غَيْرِي تَرَكْتُهُ وَشِرْكُهُ».

«Мен шериги бўлишдан мутлақо беҳожатдирман. Ким бир амалида Менга шерик

қўшадиган бўлса, уни ўз ширки билан тарк қиларман!», – дейилган.¹

3. Ҳаж ва умра қилувчи киши вожиб ишни ташлаб қўймаслиги ёки ҳаром ишни бажариб қўймаслиги учун сафарга чиқишидан аввал ҳаж, умра ва сафарга оид ҳукмларни ўрганиб олиши лозим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«مَنْ يُرِدِ اللَّهَ بِهِ خَيْرًا يُفْقَهُهُ فِي الدِّينِ».

«Аллоҳ кимга яхшилиқни ҳоҳласа, уни динда фақиҳ (билимдон) қилиб қўяди».²

4. Ҳаж ёки умра қилувчи киши ўз ҳаж ва умраси учун ҳалол молдан фойдаланиши лозим. Чунки Аллоҳ таоло пок Зот ва фақат пок нарсанигина қабул қилади. Шунингдек, ҳаром мол дуоларнинг қабул бўлмаслигига сабаб бўлади.

5. Барча гуноҳ ва маъсиятлардан тавба қилиши лозим. Агар бошқаларни ҳаққи бўлса, у нима бўлишидан қатъий назар, қайтариб беради ва улардан розилик олади.

¹ Имом Муслим 2985.

² Имом Бухорий (2738) ва имом Муслим (1627).

6. Мусофир васиятини ва кимда қандай олди-бердиси бўлса ёзиб кетиши мустаҳаб. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«مَا حَقُّ امْرِئٍ مُسْلِمٍ لَهُ شَيْءٌ يُوصِي فِيهِ بَيِّتٌ لِّأَيِّتَيْنِ إِلَّا وَصِيَّتُهُ مَكْتُوبَةٌ عِنْدَهُ»

«Ҳузурида васият қилинадиган моли бор киши учун икки кечани ўтказмасдан васиятини ёзиб қўйиши лозим», – деганлар.¹ У зот (яъни ҳаж ёки умрага кетаётган киши) ўз васиятини гувоҳлар ҳузурида ёзиб қўяди, зиммасидаги қарзларни тўлайди, омонатларни эгаларига қайтариб беради ёки улардан омонатни сақлаш учун рухсат сўрайди.

7. Сафарга чикувчи кишига солиҳ йўлдош танлаш тавсия этилади. Шунингдек, унинг шариат илмини ўрганаётган талабалардан бўлишига эътибор бериш керак. Чунки бундай йўлдош сафар, ҳаж ҳамда умрада хатоларга йўл қўймаслик ва тўғри йўлда бўлишга сабаб бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

«الرَّجُلُ عَلَى دِينِ خَلِيلِهِ، فَلْيَنْظُرْ أَحَدُكُمْ مَنْ يُخَالِلُ»؛

¹ Абу Довуд 4833.

«Киши ўз дўстининг динидадир. Ҳар бирингиз кимни дўст тутаетганига эътибор берсин!»,¹
Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«لَا تُصَاحِبْ إِلَّا مُؤْمِنًا، وَلَا يَأْكُلْ طَعَامَكَ إِلَّا تَقِيٌّ».

«Фақат мўминни дўст тутгин ва таомингни фақат тақводор инсон есин!», – деганлар.²

8. Мусофир ўзининг аҳли, қариндошлари, қўшнилари ва дўстлари билан видолашиши мустаҳаб. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«مَنْ أَرَادَ أَنْ يُسَافِرَ فَلْيُفَلِّمْ لِمَنْ يُخَلِّفُ: أَسْتَوْدِعُكُمْ اللَّهَ الَّذِي لَا يُضِيعُ وَدَائِعَهُ»

«Ким сафар қилмоқчи бўлса, орқасида қолган одамларга: «Аставдиъукумуллоҳаллазий лаа йўдийъу вадааиъахуу», деб айтсин», – деганлар.³

Маъноси: Сизларни Аллоҳга топшираман, У зот Ўзига топширилган омонатларни зое қилмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларидан бири сафарга чиқмоқчи бўлса:

«أَسْتَوْدِعُ اللَّهَ دِينَكَ وَأَمَانَتَكَ وَخَوَاتِيمَ عَمَلِكَ»

«Аставдиъуллооҳа дийнака ва амаанатака ва ховаатийма ъамалик», – дер эдилар.⁴

¹ Абу Довуд (4832) ва Тирмизий (2395).

² Табарний (823).

³ Аҳмад «Муснадда» (4524).

⁴ Тирмизий (3444).

Маъноси: Динингизни, омонатингизни ва амалингизнинг хотималарини (охирини) Аллоҳга топширдим. Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирорта мусофир васият қилишини сўраса:

«رَوَدَكَ اللَّهُ التَّقْوَى، وَغَفَرَ ذَنْبَكَ، وَيَسَّرَ لَكَ الْخَيْرَ حَيْثُ مَا كُنْتَ»

«Аллоҳ тақвоингни зиёда қилсин, гуноҳингни кечирсин, қаерда бўлсанг ҳам сенга яхшиликни осон қилсин!».¹ Бир киши сафарга чиқишни хоҳлаб Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб: «Ё Расулуллоҳ васият қилинг», деди. Шунда:

«أَوْصِيكَ بِتَقْوَى اللَّهِ، وَالتَّكْبِيرِ عَلَى كُلِّ شَرَفٍ» فَلَمَّا مَضَى قَالَ: «اللَّهُمَّ ارْزُ لَهُ الْأَرْضَ، وَهَوِّنْ عَلَيْهِ السَّفَرَ».

«Сенга Аллоҳдан тақво қилишни ва ҳар бир баланд жойда такбир айтишни васият қиламан», дедилар. Кейин у кетганидан сўнг шундай дуо қилдилар: «Ё Аллоҳ, унга ерни тор қилма (кенгайтир) ва унга сафарни осон қилиб бер».²

9. Сафарга чиқишда ўзи билан қўнғироқ, най ва итни олиб чиқмаслиги керак. Чунки Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

¹ Аҳмад «Муснадда» (9724).

² Муслим ривояти (2113).

«لَا تَصْحَبُ الْمَلَائِكَةَ رُقُقَةً فِيهَا كَلْبٌ وَلَا جَرَسٌ».

«Фаришталар ит ва қўнғироқ бор жамоага ҳамроҳ бўлмайди».¹

10. Агар эркакнинг бир нечта хотини бўлиб, улардан бири билан сафарга чиқмоқчи бўлса, улар орасида қуръа ташлайди. Қуръа кимга тушса, ўша хотини билан сафарга чиқади. Чунки Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا أَرَادَ سَفَرًا أَفْرَعَ بَيْنَ نِسَائِهِ، فَأَيُّهُنَّ خَرَجَ سَهْمُهَا خَرَجَ بِهَا مَعَهُ».

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиқмоқчи бўлсалар, аёллари орасида қуръа ташлар эдилар. Қайси бирининг саҳми чиқса, ўша аёлини олиб кетар эдилар».²

11. Агар иложи бўлса пайшанба куни эрталаб чиққани мустаҳаб. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилганлар. Катъ ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«لَقَلَّمَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْرُجُ إِذَا خَرَجَ فِي سَفَرٍ إِلَّا يَوْمَ الْخَمِيسِ».

¹ Имом Бухорий (2593) ва Муслим (2770).

² Имом Бухорий 2949.

«Ра-сулул-лоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар сафар қил-моқ-чи бўлса-лар, пайшанба кунидан бошқа куни кам сафар қилар эдилар».¹

12. Сафар ва шу кабиларга чиқаётганда уйдан чиқиш дуосини айтиш мустаҳаб. Чиқиш пайтида:

«بِسْمِ اللَّهِ، تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَضِلَّ أَوْ أُضِلَّ، أَوْ أَزِلَّ أَوْ أُزَلَ، أَوْ أَظْلِمَ أَوْ أُظْلِمَ، أَوْ أَجْهَلَ أَوْ يُجْهَلَ عَلَيَّ.»

«Бисмиллаҳ, таваккалту ʔалаллоҳ ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ, Аллоохумма, инний аъузузу бика ан адилла ав удолл ав азилла ав узалл ав азлима ав узлам ав ажҳала ав южҳала ʔалаййа».²

Маъноси: Бисмиллаҳ. Аллоҳга таваккал қилдим. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ва қувват ёлғиз Аллоҳдандир. Эй Аллоҳ, мен Сендан адашиш ёки адаштирилишдан, тойиш ёки тойдирилишдан, зулм қилиш ёки зулмга учрашдан, (бировга) жоҳиллик қилиш ёки менга жоҳиллик қилинишидан паноҳ беришингни сўрайман.

13. Улови, машинаси, тайёра ва шу кабиларга мингач сафар дуосини айтиш мустаҳаб:

«اللَّهُ أَكْبَرُ، اللَّهُ أَكْبَرُ، اللَّهُ أَكْبَرُ ثُمَّ يَقُولُ: {سُبْحَانَ الَّذِي سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ وَإِنَّا إِلَى رَبِّنَا لَمُنْقَلِبُونَ} [الزخرف: 14] اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْأَلُكَ فِي سَفَرِنَا هَذَا

¹ Абу Довуд 5094.

² .

الْبِرِّ وَالتَّقْوَى، وَمَنْ الْعَمَلِ مَا تَرْضَى، اللَّهُمَّ هَوِّنْ عَلَيْنَا السَّفَرَ، وَاطْوِ عَنَّا بُعْدَهُ، اللَّهُمَّ أَنْتَ الصَّاحِبُ فِي السَّفَرِ، وَالْخَلِيفَةُ فِي الْأَهْلِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ وَعْثَاءِ [14] السَّفَرِ، وَكَآبَةِ الْمَنْظَرِ [15]، وَسَوْءِ الْمُنْقَلَبِ [16] فِي الْمَالِ وَالْأَهْلِ..».

«Аллооху акбар, Аллооху акбар, Аллооху акбар.
“Субҳааналлазий саххоро ланаа ҳазаа ва маа куннаа лаҳуу муқринийн, ва иннаа илаа роббинаа ла-мунқолибуун” [Зухруф: 13-14].
Аллоохумма, иннаа нас’алука фий сафаринаа ҳазаа албирро ват-тақваа ва минал-ъамали маа тардоо. Аллоохумма, ҳаввин ъалайнаа сафаронаа ҳазаа ватви ъаннаа буъдаҳ.
Аллоохумма, антас-сооҳибу фис-сафари вал-холийфату фил-аҳл. Аллоохумма, инний аъуузу бика мин ваъсааис-сафар ва ка’абатил-манзор ва сууъил-мунқолаби фил-маали вал-аҳл...».¹

Маъноси: Аллоҳ буюқдир! Аллоҳ буюқдир! Аллоҳ буюқдир! “Бизларга бу(кема, машина ёки от-улов)ни бўйсундириб қўйган Зот (барча айбу нуқсондан) покдир. Бизлар ўзимиз бунга (бундай уловларга эга чиқишга, минишга) қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз, биз (барчамиз) Раббимизга қайтувчидирмиз”. [Зухруф: 13-14]
Эй Аллоҳ! Биз Сендан ушбу сафаримизда тоат-ибодатларни, тақвони ва сен рози бўладиган амалларни сўраймиз. Эй Аллоҳ, сафардаги йўлдош ҳам, (ортимизда қолган) хонадонимизда ўринбосар-халифа ҳам

¹ Имом Бухорий (2998).

Ўзингдирсан! Эй Аллоҳ, мен Сендан сафар
машаққатларидан, қайғули-ёмон
нарсалар(кўринишлар)дан ҳамда мол-мулк ва
оилага етадиган зиён-заҳматдан паноҳ
беришингни сўрайман.¹²³

14. Шериксиз ўзи сафар қилмаслиги
яхшироқ. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва
саллам:

«لَوْ يَعْلَمُ النَّاسُ مَا فِي الْوَحْدَةِ مَا أَعْلَمَ مَا سَارَ رَاكِبٌ بِلَيْلٍ وَحْدَهُ».

«Агар одамлар мен билганчалик ёлғизликдаги
(хатарларни) билганларида эди, ҳеч бир киши
тунги пайтда ёлғиз сафар қилмас эди».⁴

15. Сафарга чиққанлар ораларидан бирини
рахбар қилиб тайинлашлари лозим. Бу
уларнинг ишларини бирлаштиради,
келишувларига ёрдам беради ва мақсадларига
етишишда кўмак бўлади. Пайғамбар
соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«إِذَا خَرَجَ ثَلَاثَةٌ فِي سَفَرٍ فَلْيُؤَمِّرُوا أَحَدَهُمْ».

«Агар уч киши сафарга чиқса, бирларини
бошчи қилсинлар!», – деганлар.⁵

¹ Аҳмад ривояти (6374).

² .

³ .

⁴ Абу Довуд (2608).

⁵ Аҳмад Муснади (17736).

16. Аллоҳ фарз қилган ибодатларни адо этишга ва ҳаром қилинган нарсалардан сақланишга ҳаракат қилсин. Гўзал хулқлар билан хулқлансин: ёрдамга муҳтож кишиларга ёрдам берсин, илмга муҳтожларга ва талаб қилганларга илм берсин. Ўзининг ва диндош биродарларининг эҳтиёжу манфаатлари учун молини инфоқ қилсин.

17. Нафақа ва сафар эҳтиёжларидан кўпроқ олиб олиши керак, чунки, эҳтиёж тўғилиши ва ишлар ўзгариши мумкин.

18. У барча ишларида кўнгли очиқ, хурсанд, хотиржам ва дўстларини хурсанд қилишга интилувчи бўлиши лозим; шунда у хушмуомила ва одамлар яхши кўрадиган шахс бўлади.

19. Ўз ҳамроҳларининг қўпол муомиласи ёки фикрига қарши чиқишларига сабр қилмоғи лозим. Улар билан энг гўзал йўл билан муомала қилсинки, улар орасида ҳурматли ва қалбларида шавкатли бўлиб қолсин.

20. Сафарда юрганлар бирор жойга тушганларида, бир жойга жамланишлари мустаҳабдир. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баъзи саҳобалари бирор

жойга тушганларида, дара ва водийларга тарқалиб кетар эдилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«إِنَّ تَفَرُّقَكُمْ فِي الشَّعَابِ وَالْأَوْدِيَةِ إِنَّمَا ذَلِكُمْ مِنَ الشَّيْطَانِ».

«Дара ва водийларга бўлиниб кетишинглар, албатта, бу шайтондандир».¹ Шундан кейин барчалари бир бирларига яқин бўлиб ётар эдилар. Шундай яқин ётганларидан битта кийимга барчаларини ўраб қўйса бўлар эди.

21. Сафарда бўладими ёки бошқа жойдами, бирор манзилга тушганда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлган дуо билан дуо қилиш мустаҳабдир:

«أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ»;

«Аллоҳнинг том-мукаммал калималари билан У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман».² Агар шу дуони айтса, у жойидан кетгунча унга ҳеч қандай зарар етмайди.

22. Юқорига чиқаётганда такбир айтиши, водий ва пас жойларга тушаётганда тасбеҳ айтиши мустаҳабдир. Жобир разияллоҳу анҳу айтадилар: «Агар кўтарилсак такбир айтардик,

¹ Муслим ривояти (2708).

² Имом Бухорий (2994).

агар пасликка тушсак тасбеҳ айтардик».¹
Такбир айтаётиб овозини кўтармайди.
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ ارْبَعُوا عَلَى أَنْفُسِكُمْ فَإِنَّكُم لَا تَدْعُونَ أَصَمَّ وَلَا غَائِبًا إِنَّهُ مَعَكُمْ إِنَّهُ سَمِيعٌ قَرِيبٌ».

«Эй инсонлар, ўзингларни қийнаманглар! Сизлар кар ёки узоқдаги Зотга дуо қилмаяпсизлар. Албатта, У эшитувчи, яқин Зотдир».²

23. Сафар пайтида тунда, хоссатан, унинг биринчи қисмида сайр қилиш мустаҳаб. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«عَلَيْكُمْ بِالذُّلْجَةِ؛ فَإِنَّ الْأَرْضَ تُطَوَّى بِاللَّيْلِ».

«Кечаси йўл юринглар, чунки, тунда йўл қисқаради», деганлар.³

24. Сафарда дуони кўпайтириш мустаҳаб. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«ثَلَاثُ دَعَوَاتٍ مُسْتَجَابَاتٌ لَا شَكَّ فِيهِنَّ: دَعْوَةُ الْمَظْلُومِ، وَدَعْوَةُ الْمُسَافِرِ، وَدَعْوَةُ الْوَالِدِ عَلَى وَلَدِهِ».

«Қабул қилинишида шак бўлмаган уч дуо бор: мазлумнинг дуоси, мусофирнинг дуоси, ота-

¹ Имом Бухорий (2993).

² Абу Довуд (2571).

³ Аҳмад Муснади (10771).

онанинг боласи ҳаққиға қилган дуоси», – деганлар.¹

Иккинчи: Сафардаги таҳорат

Мусофир таҳоратига эътибор бериши керак. Шунинг учун кичик бетаҳоратлик рўй берганда таҳорат, жунуб бўлганда эса ғусл олиши лозим.

Агар сув топа олмаса ёки суви кам бўлиб фақат ичишига етса, таяммум олади.

Таяммумнинг кайфияти: икки қўли билан ерга уриб, уларни юзи ва икки кафтига силаш.

Таяммум билан олинган поклик вақтинчалик ҳисобланади. Қачонки сув топилса, таяммуми ботил бўлади ва сувдан фойдаланиши вожиб бўлади. Агар киши жанобатдан таяммум қилган бўлса сўнгра сув топса, ғусл қилиши вожиб бўлади. Агар киши ҳожатдан кейин таяммум қилган бўлса, кейин сув топса, у ҳолда таҳорат олиши лозим бўлади.

Ҳадисда шундай дейилган:

«الصَّعِيدُ الطَّيِّبُ وَضُوءُ الْمُسْلِمِ وَإِنْ لَمْ يَجِدِ الْمَاءَ عَشْرَ سِنِينَ، فَإِذَا وَجَدَ الْمَاءَ فَلْيَتَوَّأَلَهُ، وَلْيُمْسِئْهُ بِشَرَّتِهِ».

¹ Баззор Муснадида ривоят қилган (10068).

«Пок тупроқ — мусулмоннинг таҳоратсувидир, агар у сувни ўн йил топа олмаса ҳам. Лекин агар у сувни топса, Аллоҳга тақво қилсин ва сувни танасига тегизсин».¹

Маҳсига масҳ тортиш Қуръон, суннат ва ижмоъ билан машруъдир.

Маҳси ва шу кабилар устига масҳ тортиш учун қуйидаги шартларг риоя қилинади:

1. Маҳси ёки пайпоқ пок ва мубоҳ бўлиши керак.

2. Таҳорат олгандан сўнг кийган бўлиши керак.

3. Ёпилиши фарз бўлган ўринларни ёпиб туриши.

4. Кичик бетаҳоратлик рўй берган бўлса масҳ тортиш жоиз. Жанобат ёки ғуслни вожиб қиладиган ҳолатлар учун масҳ тортиш мумкин эмас.

5. Масҳ тортиш шариатда белгиланган муддат ичида бўлиши лозим: муқим (ўз юртидаги киши) учун бир кун ва бир тун — яъни 24 соат, мусофир учун эса уч кун ва уч тун — яъни 72 соат. Тўғри фикрга кўра, бу муддат

¹ Бухорий ривояти (1804) ва Муслим (1927).

тахорат бузулишидан кейин илк бор масх тортиш вақтидан бошланади ва муқим учун 24 соат, мусофир учун 72 соат ўтгач тугайди.

Учта ҳолатнинг бири рўй бериши билан масх бузилади:

1. Жанобат каби ғуслни вожиб қиладиган ҳолат рўй берса. Бундай ҳолатда янгидан ғусл олиш лозим.

2. Масх тортгандан сўнг уни ечса.

3. Шариатдаги белгиланган муддат тамомига етса.

Учинчи: Сафарда намозни қаср қилиш аҳкомлари

Сафарда намозни тўлиқ ўқишдан кўра қаср қилиб ўқиш афзал. Агар мусофир тўрт ракатлик намозни тўлиқ қилиб, қаср қилмай ўқиса, намози тўғри, лекин, у афзалига тескари иш қилган бўлади.

Мусофир ўзининг қишлоғи ёки шаҳридаги барча уйлардан чиққач қаср қила бошлайди. Бу жумхур уламоларнинг мазҳаби.

Агар инсон намоз вақти киргандан кейин сафарга чиқса, у намозни қисқартириши мумкин. Чунки у сафарга намоз вақти тугамасдан олдин чиққан бўлади.

Пешин билан асрни, шом билан хуфтонни жамлаб ўқиш эса — сафарда эҳтиёж бўлса суннатдир. Агар йўлда юриш қийинлашса ва сафар давом этаётган бўлса, у ҳолда ўзи учун енгилроғини танлаб, жамъи тақдим (биринчи вақтда жамлаш) ёки жамъи таъхир (иккинчи вақтда жамлаш) қилиши мумкин.

Агар сафардаги киши жамлашга муҳтож бўлмаса, у ҳолда намозларни жамламаслиги афзал. Масалан, у иккинчи намоз вақти киргунча ҳали жўнаб кетмоқчи бўлмаган жойда турибди — бу ҳолатда жамламаслик яхши. Шунинг учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Ҳажда Минода тўхтаган пайтларида эҳтиёж бўлмагани учун намозларини жамламаганлар.

Сафардалик пайтида нафл намозларни мўқим инсон каби ўқиши жоиз. Пешин, аср, шом ва хуфтон намозларининг суннатларидан ташқари зуҳо, таҳажжуд, витр ва шу каби нафл

намозларни ўқийди. Ротиба суннатларни сафарда ўқимаслик суннатдир.

Сафардалик пайтида нафл намозларни — самолёт, машина, кема ва ҳоказоларда ўқиш жоиз. Лекин фарз намозлар учун тушиши лозим, фақат ожизлик (чиқиб ўқишга имкони бўлмаса) бўлса, ўтирган ерида ўқиши мумкин.

Мусофирнинг муқим имом ортида ўқиши жоиз ва дурустдир. Бу ҳолатда мусофир имом қандай ўқиган бўлса, шундай тўлиқ ўқийди — барча намозга ёки бир ракат, ҳатто салом беришдан олдинги охириги ташаххудгагина етиб келса ҳам. Бу уламоларнинг энг тўғри деб эътироф этган сўзидир.

Тўртинчи: Ҳаж, умра ва сафардан қайтиш одоблари

Қайтишга шошилиши, эҳтиёж бўлмаса кўп қолмаслиги керак. Чунки Набий соллаллоху алайҳи ва саллам:

«السَّقَرُ قِطْعَةٌ مِنَ الْعَذَابِ، يَمْنَعُ أَحَدَكُمْ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ وَنَوْمَهُ، فَإِذَا قَضَى نَهْمَهُ فَلْيُعِجِّلْ إِلَى أَهْلِهِ».

«Сафар азоб-уқубатнинг бир кўринишидир. Сизлардан бирингиз сафарга чиқса, таоми,

ичимлиги ва уйқусидан тўла бахра ололмайди. Агар сизлардан бирингизнинг (сафардаги) истаги ҳосил бўлса, бас, у аҳли-оиласига шошилсин», – деганлар.¹

Агар ўз диёрига қайтмоқчи бўлса, уловига минаётиб сафар дуосини ўқийди ва ушбу сўзларни қўшиб қўяди:

«أَيُّوْنَ تَأَيُّوْنَ عَابِدُوْنَ لِرَبِّنَا حَامِدُوْنَ».

«(Биз) қайтувчилар, тавба қилувчилар, ибодат этувчилар ва Раббимизга ҳамд айтувчилармиз».²

У сафардан қайтаётган пайтида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган дуони айтмоғи мустаҳабдир. У зот жангдан, ҳаждан ёки умрадан қайтаётганларида ҳар бир баландликка чиққач, уч марта такбир айтиб, бундай дер эдилар:

«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ،
أَيُّوْنَ، تَأَيُّوْنَ، عَابِدُوْنَ، سَاجِدُوْنَ، لِرَبِّنَا حَامِدُوْنَ، صَدَقَ اللَّهُ وَعْدُهُ، وَنَصَرَ
عَبْدُهُ، وَهَزَمَ الْأَحْزَابَ وَحْدَهُ».

«Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳуу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва хува ʔалаа кулли шайʔин қодийр, аайибууна тааибууна ʔаабидууна саажидууна ли-роббинаа

¹ Имом Бухорий (1797) ва имом Муслим (1342).

² Имом Бухорий (4116).

ҳаамидуун, содақоллооҳу ваъдаҳуу ва насоро
табадаҳуу ва ҳазамал-аҳзааба ваҳдаҳ». ¹

Маъноси: Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Унинг
шериги йўқ. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У
барча нарсага қодир. Биз (Аллоҳга) қайтувчи,
тавба этувчи, ибодат қилувчи, сажда қилувчи ва
Раббимизга ҳамд айтувчимиз. Аллоҳ ваъдасини
рост этди, бандасини ғолиб қилди ва (Ислом
диниға қарши) гуруҳларни ёлғиз Ўзи мағлуб
қилди.

Ўзи яшаб турган шаҳарни кўрганда шундай
дейиш мустаҳаб:

«آيُؤْن تَائِيُون عَابُدُون لِرَبَّنَا حَامِدُون»،

«Аайибуна тааибууна таабидууна лироббинаа
ҳамидууна». ²

Маъноси: «(Биз) қайтувчилар, тавба
қилувчилар, ибодат этувчилар ва Раббимизга
ҳамд айтувчилармиз» Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламдан собит бўлгани учун ўз
шаҳриға киргунча шу зикрни такрорлайди.

Агар киши сафарға кетганиға кўп бўлган
бўлса ва эҳтиёж бўлмаса, аҳлининг олдиға
уларға кеч келиши ҳақида хабар бермай
кирмаслиги керак. Чунки Набий соллаллоҳу

¹ Имом Бухорий (1797) ва имом Муслим (1342).

² Имом Муслим (715).

алайҳи ва саллам бундан қайтарганлар. Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَطْرُقَ الرَّجُلُ أَهْلَهُ لَيْلًا».

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам киши оиласининг олдига кеч келишидан қайтардилар».¹ Бунинг ҳикмати ҳақида бошқа бир ривоятда айтилган:

«حَتَّى تَمْتَسِطَ الشَّعْثَةُ [32]، وَتَسْتَجِدَّ الْمَغِيبَةُ».

«Токи сочи тўзиган, эрига муштоқ аёлларингиз ювиниб-тараниб покланиб олсин».²³ Бошқа бир ривоятда:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَطْرُقَ الرَّجُلُ أَهْلَهُ لَيْلًا، يَتَخَوَّنُهُمْ أَوْ يُلْتَمِسُ عَثْرَاتِهِمْ».

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (сафардан келишда) киши аҳлини хиёнатда гумон қилиб ёки айбини қидириб, кечаси кириб боришидан қайтардилар».⁴

Сафардан қайтган киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига биноан аввало уйи яқинидаги

1 .

2 Имом Муслим (715).

3 Насоий (9099).

4 Имом Муслим (2428).

масжидга кириб, у ерда икки ракат намоз ўқиши мустаҳабдир.

Сафардан қайтган кишини ўзининг ва қўшниларининг болалари кутиб олса, уларга яхши муомила қилиши мустаҳаб ҳисобланади. Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага қайтганларида, уларни Бани Абдулмутталиб қабиласининг болалари кутиб олди. У зот улардан бирини олд томонларига, иккинчисини орқа томонларига миндириб олдилар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар разияллоҳу анҳу шундай деган:

"كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَدِمَ مِنْ سَفَرٍ تَلَّقَى بَنًا، قَالَ: فَتَلَّقَى بِي وَبِالْحَسَنِ أَوْ بِالْحُسَيْنِ، قَالَ: فَحَمَلْ أَحَدَنَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَالْأُخَرَ خَلْفَهُ حَتَّى دَخَلْنَا الْمَدِينَةَ".

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафардан келсалар, қаршиларига бизни чиқаришар эди. Бир куни У зотнинг қаршиларига мен билан Ҳасан ёки Ҳусайн чиқдик. Биримизни олдиларига, иккинчимизни мингаштириб олдилар, шу холда Мадинага кириб бордик».¹

¹ Имом Байҳақий Сунанул Кубро (11946).

Совға бериш мустаҳабдир. Чунки у қалбларни шод этади ва адоватни йўқотади. Совғани қабул қилиш ва унга муносиб жавоб қайтариш ҳам мустаҳаб ҳисобланади. Сабабсиз рад этиш эса макруҳдир. Шу муносабат билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

«تَهَادُوا تَحَابُّوا».

«Ҳадия улашинглар, муҳаббатинглар ошади!».¹ Ҳадия мусулмонлар орасида муҳаббатга сабаб бўладиган нарсалардан.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларидан собит бўлгани учун мусофир сафардан келгач қучоқлашиш мустаҳаб. Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Агар учрашсалар қўл бериб сурашар эдилар. Агар сафардан келсалар қучоқлашар эдилар».²

Набийимиз Муҳаммадга салавоту саломлар бўлсин.

¹ Табароний Авсот китоби 97.

² Имом Бухорий (3116) ва имом Муслим (100).

Мундарижа

Сафар одоби ва аҳкомлари.....	2
Биринчи: Сафар одоблари.....	2
Иккинчи: Сафардаги таҳорат	15
Учинчи: Сафарда намозни қаср қилиш аҳкомлари	17
Тўртинчи: Ҳаж, умра ва сафардан қайтиш одоблари	19